

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Гулистон давлат университети  
“ҚХМҚИ ва ИЧТ” кафедраси

**МУСТАФАЕВ ЖАҲОНГИРНИНГ**

5142000-меҳнат таълими йўналиши бўйича бакалаврият даражасини олиш

учун **“УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МЕҲНАТ  
ТАЪЛИМИНИ ЎҚИТИЛИШИ ВА ЎҚИТУВЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН  
ТАЛАБЛАР”**

мавзусидаги

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Раҳбар: п.ф.н. доц. Б.Қурбонов

Гулистон-2012

**“УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МЕХНАТ  
ТАЪЛИМИНИ ЎҚИТИЛИШИ ВА ЎҚИТУВЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН  
ТАЛАБЛАР”**

**МУСТАФАЕВ ЖАҲОНГИРНИНГ**

**МУНДАРИЖА**

Кириш-----

**I-БОБ. Меҳнат таълими ўқитувчисига қўйиладиган талаблар**

1.1. Ўқувчининг педагогик маҳорати ва маданияти ўқитувчига қўйиладиган талаблар ва вазифалар-----

1.2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқув жараёнидаги таъсирчанлиги ва касб-корлик сифатлари-----

1.3. Меҳнат таълими дарсларида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш----

**II-БОБ. Замонавий дарс таълим-тарбия асоси**

2.1. Меҳнат таълимини ўрта мактабда ўқитиш-----

2.2. Замонавий дарс, у қандай ташкил этилади?-----

2.3. Замонавий дарс таълим-тарбия асоси-----

2.4. Дарс усули-----

2.5. Дарснинг асосий босқичлари-----

2.6. Замонавий таълим жараёнида ўқитувчи-----

**Хулоса**-----

**Фойдаланилган адабиётлар**-----

## КИРИШ

Ўқувчиларнинг билимга эҳтиёжлари ва қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг йўналтирилган бўлиши ўқитувчи фаолиятининг масъулиятини оширади.

Ўқитувчи доимо “Нима учун ўқитиш керак?”, “Қандай ўқитиш керак?” деган саволларга жавоб топиши, таълим-тарбия хусусиятлари эътиборга олинган билимларга асосланган бўлиши лозим.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, ўқитувчининг таълим марказида бўлишини ва ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун мактабларга яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларини биладиган ўқитувчилар зарур.

Мавзунинг долзарблиги: ҳозирги вақтда меҳнат таълими ўқув жараёнини замон талаблари асосида ташкил эта олиш ва дарсларда замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана оладиган ҳар дарсга инновацион технологиялар асосида ўтаоладиган ўқитувчилар керак. Бу эса мавзуни долзарблигини янада оширади.

Ишнинг янгилиги, эришилган натижа: меҳнат таълимидан ҳар бир дарсни инновацион технологияни қўллаган ҳолда тақдимот усулида ўтиш.

Ишнинг амалий аҳамияти: меҳнат таълими ўқитувчисини янги педагогик технология ва интерфаол усуллар билан қуролланиш ва бу методлардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

## 1.1. Ўқувчининг педагогик маҳорати ва маданияти ўқитувчига қўйиладиган талаблар ва вазифалар

Замонавий ўқитувчи-келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир. Ўқитувчининг фаолияти.

Самарали меҳнат-машғулотларни юқори савияда ташкил этиш.

Интеллект-акл-заковатли, саводли маданиятли бўлиш.

Мотив-ўқувчиларни бошқариш ва улар билан ишлашга истак бўлиши.

Маданият-ўқитувчининг юксак фазилатларидан дарак беради,

Маҳорат эса-уни касб эгаси даражасига кўтаради.

Замонавий ўқитувчига кўтарадиган талаблар:

-ўқувчилар билан муомилада босиқ ва жиддий бўлиш;

-берилаётган билимни ўқувчилар қандай ўзлаштириб олаётганига алоҳида эътибор бериш;

-ўқитишда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;

-ўқувчининг хотираш, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;

-ўқувчиларни ўз фанига қизиқтира олиши;

-берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бериш;

-билимларни ўқувчиларга тушунарли, ҳамда уларнинг ёш, ақлий даражасига мос равишда бериш; ҳар бир сўзнинг ўқувчилар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш.

Ўқувчининг шахсий фазилатлари-талабчанлик, виждонлик, маслаҳатгўйлик, хайрихохлик, адолатпарварлик, дилкашлик.

Ўқитувчини ўқитишни билиши:

1. Қўллаб-қувватлаш ва ўқув жараёни муҳити;

2. Психологик-педагогик тайёргарлик;

3. Чет тилларни (бирини) билиши;

4. Ўз фанини чуқур билиш, билимдонлик, заковатлилик;
5. Янги педагогик технологияларни эгаллаганлик;
6. Илмий-услубий ишлар;
7. Илмий-тадқиқот ишлар;
8. Ўз ишини доимо такомиллаштириб боришга интилиш;
9. Меъёрий хужжатларини билиш;
10. Компьютер технологияларини билиши;
11. Ахборот негизи;
12. Манбалар ва имкониятлар.

Ўқувчиларнинг билимини холисона баҳолаш ва назорат қилишни билиши:

1. Рейтинг назорати нималигини билиш ва ўқувчилар билимини аниқлашда қўллаш олиш;
2. ДТС бўйича тестларни ишлаб чиқиш, ишлатишни билиш.

Ўқувчини тарбиялашни билиши:

1. Юқори даражали маданиятлилик ва маънавийлик;
2. Яхши намунавий хулқли, обрўли бўлиши;
3. Ватанпарварлик ва бурч туйғуси;
4. Инсонпарварлик ва ижтимоий тайёргарлик;
5. Ўқув-тарбиявий ишларни ташкил қилиш.

Ўқитувчининг ўқув жараёнидаги асосий вазифаси-бошқарувчилик. Ўқитувчи шахс ва жамоанинг шаклланиши, ривожланиши, билим олиши ва тарбияланиши жараёнини бошқаради.

Бошқариш-бу, йўналтириш, вазифа қўйиш, ўргатиш, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, маслаҳат бериш, раҳбарлик қилиш, кузатиш, талаб қилиш, кўрсатма бериш.

Донишманд ва мутафаккирлар фикрлари:

1. Билади ва билишини ҳам билади, у-олимдир, унга тобе бўлмоқ керак;

2. Билмайди ва лекин билмаслигини ҳам билади, бу қобил инсондир, унга ўргатмоқ керак;

3. Билар, лекин билишини билмас, у-уйқудадир, уни уйғатмоқ керак;

4. Билмас, лекин билмаслигини тан олмас, у-жоҳилдир, ундан қочмоқ керак.

Темперамент хусусиятлари:

1. Меланхолик-тез таъсирланувчан, арзимаган нарсаларга йиғлаб юборади, уятчан, тортинчоқ;

2. Сангвиник-доимо кўтаринки кайфиятда юради, хушчақчақ, шаддот инсон;

3. Холерик-урушқоқ, серхаракат, жанжал қилишга мойил;

4. Флегматик-ичимдагини топ дейди, судралувчи, унинг юзидан қандай кайфиятда эканлигини билиш қийин.

Ўқувчининг ўқув жараёнида асосий вазифалари-излаш, керакли билимларни мустақил топиш, ахборот тўлаш ва уларни ишлата билиш.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати-ишга бўлган фидойилик, билим ва тажрибаларини бирикмаси бўлиб, педагогик фаолиятининг энг юқори чўққисидир. Чунки, у ўзига ажратилган жуда қисқа вақт ичида энг юқори мукамал натижага эришади.

Ўқитувчи педагогик маҳоратини ташкил этувчи олимлар чуқур билим, юксак ахлоқийлик, педагогик тажриба, ўз устида ишлаш, педагогик маданият, меҳнатни илмий ташкил этиш.



**Ўқитувчи шахсининг инсонпарварликка йўналганлиги:**

-касбига, ишига, ўқувчиларига бўлган муносабати;

-ўз фанини билиши ва касбига тегишли барча фанлардан етарли даражада хабардор бўлиши.

Ўз ишига ва ўқувчиларига бўлган мухаббатини қўша олган ўқитувчи-мукамал ўқитувчидир.

Ўқитувчи-бир боғбон бўлса, ўқувчиларнинг ҳар бири-ҳар хил гуллардир. Ҳар бир гул алоҳида парваришни талаб қилганидек, ҳар бир ўқувчи ҳам алоҳида эътиборни талаб қидади. Лекин бир ўқувчи эътибордан четда қолдирилса, у парваришсиз қолган гулга ўхшаб қолади, ё сўлиб, ёўзи хоҳлаган томонга ўсиб гўзаллик тарқатмайди.

**Ўқитувчининг касбий билимлари;**

1. Метадологик (фалсафа, психология, педагогика, мантиқий қонуниятлар);

2. Назарий (мақсад, тамоил, қоидалар, олимлар фикри);
3. Методик (ўқув-тарбия жараёнини ташкил қила олиш даражаси);
4. Технологик (педагогик вазифаларни ечиш ва вазиятдан чиқа олиш даражаси);
5. Прогностик (ривожланишни олдиндан лойихалаштириш);
6. Амалий (кўникма, малака).

Ўқитувчини ташқи қиёфасини ифодаловчи маданият:

1. Гавдани тутиш-тўғри тутиш;
2. Кийим-озодалиги, шинамлиги, камтаринлиги, рангларни танланиши, ёшига ва касбига мослиги, тақинчоқлар ёки камлиги, ишга мослиги;
3. Пардоз-ёши, касби ва ишига мосли;
4. Причёска-сочнинг тартибдалиги;
5. Мимика-маъноли ҳаракатларни, нутқга, гапга мослиги;
6. Пантомимика-гавда, қўл ҳаракатлари.

Ўқитувчининг нутқ маданияти:

1. Нутқнинг граматик жиҳатдан тўғрилиги;
2. Сўз бойлиги;
3. Нутқининг ифодалилиги ва ҳис-туйғу билан суғорилганлиги;
4. Нутқ техникаси-нутқининг жарангдорлиги, масофаси, талаффузи ва овозининг майинлиги, овоз кучини тўғри танланганлиги, нутқ тезлигини тўғри танланганлиги, нутқнинг талаффуз тарзи, сўзларнинг аниқ, равшан айтилиши, нутқ гигиенасига риоя қилиниши ва х.к.

“Тилингни ширинлиги ва хулқингни паклиги сен учун ҳар қандай оғир ишни енгиллаштиради, тор рискингни кенгайтиради, етолмаган мақсадларинга етказди, одамлар сени севади ва сенинг фойданг учун меҳнатини аямайди” (Абуқодир Нурий ал-Барзанжий).

Ўқитувчини педагогик ва уни ташкил этувчи омиллар: ахлоқий поклик, билимдонлик, педагогик технология, педагогик меҳнат, педагогик маҳорат, педагогик техника.

Ўқитувчининг педагогик маданияти-бу мураккаб тузилма бўлиб, ўз ичига касбий педагогик тажрибани, ундаги педагогик маҳорат даражаси ва билимларни олади.

Изоҳ; Ушбу битирув малакавий ишнинг биринчи бобини ёзишда Р. Ишмуҳаммедов ва бошқалар таҳрири остида чоп этилган “Таълимда инновацион технологиялар” китобидан фойдаланилди. Т. Истеъдод-2008й. 186.

## **1.2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқув жараёнидаги таъсирчанлиги ва касб-корлик сифатлари**

Ўқитувчи ёшларга таълим тарбия берувчи шахсдир. Республикамизда халқ таълими соҳасида қўйилган вазифаларни бажаришда кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлигига, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида меҳнат усуллари тўғри танлаш, ўқитувчи амалда тўғри қўллаганини назорат қилиши керак.

Ўқув жараёнини режалаштириш ўқитувчини дарсга тайёрланишида асосий ўрин тутди. Ўқув йилини режалаштириш орқали ўқитувчи ва ўқувчини устахонадаги меҳнат таълимининг вазифа ва мақсадларига кўра бажарган барча ишларини олдиндан кўриш мумкин. Ўқув йилини режалаштиришда меҳнат таълими бўйича ўқитиладиган фанларнинг дастури асос қилиб олинади. Ўқув йилини режалаштиришда ўқитувчи бир қанча дидактик вазифаларни ҳал қилади.

\* Меҳнат таълими фанининг дастури бўлимларга мос ҳолда ўқув жараёнини моддий жиҳатдан ўз вақтида тайёрлаш имкониятини беради. Ўқув устахоналарини янги замонавий асбоб-ускуналар, ўқув кўзгазма манбалари аввалдан маълум бўлади.

\* Меҳнат таъими фанининг мазмуни билан бошқа фанларнинг мазмуни орасидаги боғланиш ёритилади. Ўқитувчи ўқув материални алоҳида дарсларга тақсимлаб бошқа фанлардан олган билимларини аниқлайди. Шундай қилиб, меҳнат таълими билан фанларнинг асосларини ўрганиш орасида дидактик боғланиш таъминланади.

\* Ўқув йили давомида ўқувчилар томонидан бажариладиган ишлар аниқланади.

\* Ўқувчилар билан олиб бориладиган дарсдан ташқари ишлар йўналиши аниқланади.

\* Ярим йиллик якунларини чиқаришда ўқув режани бажарилишини текшириш осонлашади.

\* Ўқув бўлими халқ маорифи ташкилотлари томонидан таълим жараёмини назорат қилиш осонлашади.

Ўқитувчининг ўқув йилига тайёргарлиги қуйидагича олиб борилади: Янги ўқув йилига тайёргарлик жорий йилнинг тугаши билан бошланади. Меҳнат таълими ўқитувчиси жихоз асбоб-ускуналарнинг майда носозлигини ўзи тузатади.

Агар ўртача ва тўлиқ таъмирлаш талаб қилинса, маъмуриятга талабнома тузилиб, маъмурият орқали тегишли тадбирлар кўрилади. Янги асбоб-ускуналар сотиб олиш учун ҳам алоҳида талабнома тузилади.

Янги ўқув йилини режалаштириш учун ҳам ўқув дастури билан қайтадан танишишдан бошланади, бундаги тушунтириш хати ўрганилади. Тушунтириш хатини ўрганишда машғулотларнинг вазифаларини, ўқув жараёнини ташкил қилишда кўрсатмали кўргазмалардан фойдаланиш, ўқувчилар фаолиятини текшириш, баҳолаш ва ҳақозоларга оид услубий кўрсатмаларни яна бир марта тахлил этиш керак. Фан бўйича дастурнинг мазмуни билаи ҳам танишиб чиқиш керак.

Дастурдаги ҳар қайси синф ўқувчиларини ўзлаштиришлари керак бўлган билим, кўникма, малакалар, бўлимлар мавзулари ва уларга ажратилган соатларни ўрганиш зарур. Шундан сўнг ҳар бир синф учун ўргатиладиган

буюмлар танланади. Буюмларни танлашда ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши керак:

-буюмларга ишлов бериш усуллари ўқув дастурига мос келиши керак.

-буюм танлашда аниқ даражаси, вақти, ўқувчиларнинг кучи етадиган аввалги билимлар асосида танланиши керак.

-буюмларни лойиҳалаш усули ўқувчиларга тушунарли ва осон ўзлаштирадиган бўлиши керак.

Ўқув йилини режалаштиришда ва бажараётган буюмларни хилини танлашда болаларнинг ўзлаштириш даражаларини эсан чиқармаслик керак. Синфдаги иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қизиқиш ва билимларини ўстириш йўллари аниқ белгиланган керак. Ўртача билимли болалар ўз-ўзидан иқтидорли болаларга эргашадилар ва иш унумдорлиги ортади.

Ўқитувчи янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда ўқувчиларни унумли меҳнатини ташкил қилишни ҳам йўлга қўйиш керак. Бунинг учун янги ўқув йилига қадар ўқитувчи бирор корхона, ташкилот, фирмалар билан шартнома тузилиши лозим. Янги ўқув йилига тайёргарлик ҳам, ўқув хонасини таъмирлаш ҳам ўқитувчи зиммасига тушади.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги қуйидагича олиб борилади: Ўқитувчи навбатдаги машғулотларга тайёргарлик кўришда таквим-мавзу (календар-тематик) режа тузади. Уни бир йилга, ярим йилга тузади. Таквим-мавзу режани тузишда бутун ўқув материали машғулотларга тақсимланади. Дарс типлари орасидаги боғланиш таълим методлари, кўргазма қуроллар, тарқатма манбалар аниқланади. Бундай мавзулар бўйича дарслар тўплами белгиланади.

Дарс тўпламини ташкил этишда қуйидагиларга амал қилинади:

- мавзунинг ўқув фанидаги ўрни.
- назарияни амалиёт билан боғлиқлиги.
- ўқувчиларни янги мавзунинг ўзлаштиришдаги тайёргарлиги.
- ўқувчиларнинг ижодий ишларини имкониятлари.
- мавзунинг ўрганиш натижалари.

Ўқитувчи ҳар бир машғулотга қуйидагича тайёрланади:

I. Ташкилий тайёрланиш.

II. Методик тайёрланиш.

I. Ташкилий тайёрланишда ўқитувчи хонани, керакли асбоб-ускуналарни, дарсликларни. ўқув кўлланмаларни, кўрғазма қуролларни, тайёр намуналарни тайёрлаши тушунилади. Ташкилий ишни бажаришда ўқитувчи мана шу жихоз ва шу шароитда ўзи бажариб кўриши керак. Бу билан ўқитувчи:

-ўқувчига шахсий намуна бўлиб, обрўси ошади.

-ўқитувчи тайёрлаган намуна ўқувчига таққослаш манбаи бўлади.

-ўқувчи ишни бажаришда қандай кийинчиликларга дуч келишини ва қандай хатоларга йўл қўйиши мумкинлигини тасаввур қилади.

Ўқитувчи ҳар бир ўқувчига тикув машинаси ва керакли иш жихозлари билан таъминланганлигига эришиши зарур. Кўрсатмали қуроллар тайёрлаш, тарқатма манбаларини тайёрлаш ҳам ўқитувчининг вазифасига киради. Ўқитувчининг вазифаси машғулот режаси канчалик тўлиқ бўлса, дарс ўтишда ўқитувчига шунчалик кўп ёрдам бўлади.

Дарсга тайёрланишда яна ўқув адабиётлар устига ишлаш, методик адабиётлар ва кўлланмаларни қараб чиқиш керак. Бундан ташқари навбатдаги дарсга тайёрланишда ўқитувчи очиқ дарслар, кўрғазмали дарсларда қатнашган натижаларни ўрганиб чиқиш керак. Кўрғазмали кўлланмаларни тайёрлаш учун ҳам жиддий эътибор талаб қилинади. Ўқитувчи дарсга тайёрланишда аввалги гуруҳ ёки аввалдаги йиллардаги шу мавзунини бажаришда йўл қўйилган камчиликларни сабабини ҳам аниқлайди.

II. Методик тайёрланишда ўқитувчининг тайёрланиши дарс режасини тузиш билан тугалланади. Дарс режаси канчалик тўла, батафсил ёзилган бўлса, у ўқитувчига шунча кўп ёрдам беради.

1. Дарснинг мавзуси, мақсади ва вазифалари.

2. Меҳнат объекти.

3. Дарс жиҳози.

4. Дарсинг бориши.

**Дарсга 5 хил мақсад кўйилади:**

- а) таълимий
- б) тарбиявий
- в) ривожлантирувчи.
- г) ижодий
- д) амалий.

Республикамиз ҳукумати таълим соҳасида кўйиладиган вазифаларни бажариши кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида таълим-тарбиядан кўзда тутилган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юкланади. Халқимизнинг келажаги мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлиги, фидойилигига ёш авлодни ўқитиш ва тайёрлаш ишларига бўлган муносабатига боғлиқ. Шунинг учун педагогика олийгоҳлари ва билим юртларида ўқитувчи тайёрлашни яхшилашга эътибор берилмоқда. Ўқитувчиларни фалсафий жиҳатдан кенг фикрловчи, мулоҳазали бўлишига эътибор берилмоқда. Ўқитувчи шарафли, лекин мураккаб касбдир.

Ўқув процессида ўқитувчи раҳбарлик ролини ўйнайди. Меҳнат таълимида вақтнинг асосий 80%ини ўқувчиларнинг мустақил амалий ишларида ўқитувчининг роли катта, ҳамма нарса ўқитувчи томонидан олдиндан пухта ўйланса ва яхши ривожлантирилса, ўқувчилар мустақил ишлай оладилар. Бу эса меҳнат таълими ўқитувчисининг кенг билимдонлиги, пухта амалий тайёргарлиги, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун мустақил Ўзбекистоннинг умумтаълим мактабларидаги меҳнат таълими ўқитувчилари:

1. Юксак ахлокий фазилатларга, ўз касбига оид тегишли маълумот ва касбкор тайёргарлигига эга бўлган қобилиятли ижодкор кишилар бўлиши;

2. Миллий маданият ва қадириятларни, дунёвий билимларни яхши билиши ва диний илмлардан ҳам хабардор бўлиши;

3. Юқори методик, психологик тайёргарликка эга бўлиши;

4. Эркин ва ижобий фикрлай оладиган талабчан, одобли бўлмоғи керак.

Конституция кунига бағишланган тантанали йиғилишда И.А.Каримов шундай дейди: "Тарбиячи устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд килиш, ҳақиқий ватанпарвар фуқаро килиб етиштириш керак. Бунинг зиммасига жуда катта маъсулият юклайди. Қадим замонлардан бери бизнинг табаррук заминимизда тарбиячилар билан табиблар энг иззатли ва энг мўътабар инсонлар саналганлар. Шундай экан бутунги кун сиёсатимизда ота-боболаримизнинг ана шу олийжаноб анъаналарига содиқ қолиб ёш авлодни ўстиришга, тарбиялашга дахлдор инсонларга биринчи навбатда қўлдан келганча эътибор кўрсатиб, уларга эҳтиром билдириб, алоҳида имтиёзлар бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир". Ўқитувчи ҳам ўз навбатида буидай эътиборга жавоб бериш керак. Тегишли маълумот, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлокий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга (Таълим тўғрисидаги қонун).

Педагогик фаолияти билан шуғулланишга тўсқинлик қилувчи тиббий кўрсаткичларнинг рўйхати ва касб жиҳатдан номуносиблигига доир масалаларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати томонидан белгиланади.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўзининг фанини, хусусиятини ҳисобга олган ҳолда бир қанча талабларга жавоб бериши керак:

- Сиёсий, ғоявий, онгли бўлиши керак, яъни давр ўзгариши қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар, қонунларни ўзи тушуна оладиган, эркин фикр юрита оладиган ва ўқувчиларга ҳам етказа оладиган бўлиши керак.

- Ўқитувчи юқори касбий тайёргарликка эга бўлиши керак, яъни касб-ҳунар таълими дастурига киритилган ҳамма бўлимларни яхши билиши,

юқори малакага эга бўлиши, шу касб бўйича камида 3-4 разрядга эга бўлган бўлиши керак.

- Юқори педагогик, психологик тайёргарликка эга бўлиши керак, яъни ўқитувчи мавзу танлаш, ўқув мазмунини танлашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятини, уларни аввалги олган билимларини ҳисобга олиб танлаши керак.

- Ўз касбига муҳаббат Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонган ўқувчиларни, ўзининг ватанини севган ҳар бир ўқувчини улғайиб бирор касб эгаллашга, камол топтиришга кўмаклашадиган бўлиши керак.

Ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши керак. Педагогик маҳорати эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамроҳи бўлади. Ҳар бир ўқитувчи бунга қобилиятли бўлиши керак. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланади. Қобилият эса истеъдод, зехн, яъни инсон асаб тизимидаги анатомик, физиологик хусусият бўлиши зарур. Ўқитувчининг қобилияти ҳар хил бўлиб, педагогик фаолиятни самарали бўлишини таъминлайди.

1. **Билиш қобилияти**-ўзининг фани соҳаларига оид қобилиятдир. Бунда ўқитувчи ўқув курси ҳажмини тор маънода эмас, балки кенг, чуқурроқ бўлади.

2. **Тушунтира олиш қобилияти**-ўқув материални ўқувчиларга еткази олиши (содда, тушунарли бўлиш хусусиятларини эътиборга олиш).

3. **Кузатувчанлик қобилияти**-ўқувчининг ички дунёсини, бугунги ҳолатини, вақтинчалик рухий ҳолатини аниқлаш фаолиятидир.

4. **Нутқ қобилияти**-нутқ ёрдамида ўз фикрларини ифодалаш қобилиятидир. Ўқитувчининг нутқи ўқувчига қаратилган, фикрини аниқ ифодалай оладиган, содда тушунарли, жонли, талаффузлари аниқ бўлиши керак (бир меъёрдаги ёки баланд товушлар асабни бузади).

**5. Талабчанлик қобилияти (ташкilotчилик)-ўқувчи жамоасини** уюштириш, жипслаштириш фаолияти тушуналади.

**6. Обрў орттириш қобилияти-ўқитувчи ўзини фанини яхши билиши,** меҳрибонлиги, назокатлиги, талабчанлиги, хаққонийлиги, қўполлик қилмаслиги, ўқувчи шахсига тегмаслиги обрў орттириш демактир.

**7. Туғри муомала қила олиш қобилияти-болаларга яқинлаша олиши,** болаларни бола эканлигини ҳисобга олиши фаолиятидир. Бу қобилиятлардан ташқари ўқитувчи узоқ келажакни кўра олиши, меҳнатсеварлик, камтарлик, масъулиятлик, қатъийлик, адолатлик, эътикодлик каби сифатларга эга бўлиши керак.

### **1.3. Меҳнат таълими дарсларида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш**

Ҳозирги вақтда касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий усуллари кўллаш таълимда юқори самарадорликка олиб келади. Анъанавий ўқитишда асосан ўқитувчига эркинлик берилади (субъектив-объектив), ноанъанавий ўқитишда эса ўқувчига эркинлик берилади. Ўқитувчи-ўқувчига муносабатларини демократлаштириш (субъектив-объектив) асосида дарс жараёнлари ташкил этилади.

Таълим шакллари:

Фронтал иш-барча таълим олувчилар билан бир вақтда ишлаш.

Гуруҳларда ишлаш-жуфтликда ишлаш, гуруҳларда ишлаш, гуруҳлараро ишлаш.

Индивидуал ишлаш-ўқитувчи дарс ўтишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

Ақлий ҳужум: бу усулда ўқувчи ўқувчилар топшириқ (савол) беради, ўқувчиларнинг топшириқлар борасида берилган фикр-мулоҳазалари

жамланган. Ўқувчилар ҳамкорликда мураккаб муаммони ечишга ҳаракат қиладилар. Уни ҳал этиш учун ўз шахсий ғояларини илгари суради.

Гуруҳ (жуфт) бўлиб ишлаш: дарсда иштирок этаётган ўқувчилар гуруҳларда (4-5 ўқувчи) бўлиниб ёки жуфт-жуфт бўлиб ўқитувчи берган топшириқларни бажаради. Бахс: ўқув гуруҳ икки командага бўлинади.

Тегишли мавзу бўйича бахс, мунозара юритилади, ўзаро фикр алмашинади.

Меҳмон машқлари: бунда дарс бирор мутахасис иштирокида ўтказилади. Мутахасис таклиф этиш, кутиб олиш, дарс жараёнини ташкил этиб, уни кузатиб қўйиш каби барча ташкилий ишларни ўқувчиларнинг ўзлари бажарадилар.

Сўровнома ўтказиш: фанларни ўқитиш давомида ҳар бир бўлим, боб яқунлангандан сўнг ўқитувчи сўровнома ўтказади.

Оғзаки ва ёзма машқлар: оғзаки машқлар таълим олувчиларнинг нутқ маданияти ва мантиқий фикрлашини, уларнинг билиш имкониятларини ривожлантиради. Ёзма машқлар орқали эса ўқувчиларда тегишли кўникма ва малакалар шакллантиради, чуқурлаштиради ва мустаҳкамланади. Масалан, ўқувчиларнинг хуснихатлари яхшиланади, уларга хатосиз ёзиш ўргатилади.

Тез ўқиш: ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш, ҳар хил сўзларни, атамаларни, терминларни тўғри талаффуз қилиш кўникмаларини шакллантирувчи усулидир.

Ўз-ўзини атестация қилиш: ҳар бир таълим берувчи ва таълим олувчи ўз фаолиятини назорат қилишга қаратилган усулидир.

Натижаларни таҳлил қилиш: таълим берувчи таълим олувчиларга қўйган баҳолар натижаси ва дарс-машғулотда қўйилган мақсадда қай даражада эришилганлик таҳлил этилади.

Аудиокасеталар эшитиб, ҳикоя қилиш: касбий фанларда эқув материални аудиокасеталарга ёзиб, уни таълим олувчиларга эшиттириш ва уларнинг ҳикояларини тинглаш.

Видео материалларидан фойдаланиш: дарс жараёнида мултимедиа тизимидан, видео ёзувлардан, кодоскоп, проектор, зқув телевидениеси, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компиютерлардан фойдаланиш.

Тадқиқот: ўқувчиларнинг айрим тадқиқод ишларини, яъни диплом ва курс лойиҳалари, битирув ишларини илмий асослаган ҳолда мустақил бажаришлари, уларни ёзиш ва қўйилган мақсадга ва натижаларни таҳлил қилиш.

Пантомимо: ўқувчиларнинг ўқув ахборотларни сўзсиз. Фақат ҳаракатлар орқали бир бирлариги етказиш.

Импровизация: дарс машғулотларида ўқувчиларининг ностандарт вазиятларни мустақил ҳал эта олиш.

Кузатиш ва маълумотларни етказиш: таълим олувчиларнинг бир-бирини кузатишлари ва қўйилган муаммо бўйича маълумотларни етказиш.

Музёра: таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги тўсиқни йўқотишга қаратилган усул.

Ўйинлар: ишбилармонлик ёки сахналаштирилган ўйинлар муаммоли вазифани бир тури. Бунда матнли материал ўрнига ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётӣ вазият сахналаштирилади.

Лойиҳалаш ишлари: бу билим ва малакаларни таҳлил қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуавий таълим усулидир. Лойиҳа усулида ўқувчилар режалаштиришда, ташкил этишда, таҳлил қилишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.

Китоб билан ишлаш: ушбу усул ўқувчиларини мустақил ўзлаштириш, ўз-ўзини текшириш малакасини ошириш, берилган матннинг мазмунини тўлиқ ва онгли равишда баён эта билиш билан боғлиқ.

Индивидуал-амалий усул: ўқувчилар олган билимлари асосида амалий вазифаларни ҳал қиладилар, яни назарий билимларини амалиётга тадбиқ этадилар.

Кўрғазмали материаллар (сетка, диаграмма, карта, фотография, санъат асарлари, плакатлари) билан ишлаш: таълим олувчилар мустақил ҳолда

кўргазмали материаллар билан ишлашда. Унинг ўзлари ҳам кўргазмали материалларни тайёрлайди.

Суҳбат: бу эътибор ва ўқишнинг мулоқат, савол-жавоб усулидир.

Суҳбат индивидуал ҳолда ёки бутун гуруҳ бўйича ўтказилиши мумкин.

Вазиятларни ўрганиш: касб-ҳунар коллежларида вужудга келадиган стандарт вазиятлар ўрганилади ва уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиварилади.

Панборд: бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўув суҳбати амалий усул билан боғланиб кетади. Таълим олувчиларнинг ахборотлари, маълумотлари доскада тартиб билан жойлаштирилади.

Бошқаларни ўқитиш: бу усулда таълим олувчиларга қўйилган муаммо бўйича бир-бири билан ўзаро ахборот ва маълумот алмашадилар.

Давра суҳбати: таълим олувчилар думалоқ стол атрофида ўтириб, бир-бирларининг саволларига конверт орқали жавоб ёзишади.

Баҳолаш: Бунда ўқувчилар мақсадга қай даражада эришганини аниқлайдилар. Таълим олувчилар таълим берувчи орқали ёки ўзаро бир-бирларини баҳолашади. Баҳоланишнинг қуйдаги турлари мавжуд: текширув, савол-жавоб, ҳар хил саволларни танлаш, тўғри ва нотўғри шаклда жавоблар, ўз-ўзини баҳолаш, тенгдошининг баҳолаши, устозларнинг фикрлари, ҳаракатлар режаси, ҳар хил тавсиялар, рейтинг, топшириқлар гуруҳи, тақдимот, интервью, тестлар, видеокамера ва инсон кузатиши, микротопшириқлар, учинчи кишининг баҳолаши, лойиҳалар орқали баҳолаш.

Юқорида санаб ўтилган ноанъанавий ўқитиш усуллари шубҳасиз, касб-ҳунар коллежларида таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Мактабда амалий машғулот катта аҳамиятга эга асосий жараён ҳисобланади. Асосан амалий машғулот жараёнидагина ўқувчиларнинг касбий малакаларини шакллантирилади. Бу кўникма ва малакалар ўқув устахоналарида ўтказиладиган лаборатория-амалий машғулотларда, ўқув амалиётида, ишлаб чиқариш корхоналарида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида шаклланади.

Ишлаб чиқариш амалиётининг мақсади:

- касб бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- маънавий ва касбий қийматга эга бўлган шахсларни тарбиялаш.

Билим-атроф, борлиқ қонуниятлари, қонунлари, ходисалари, предметлари, далиллари, шунингдек, фаолият усуллари ҳақидаги тушунча ва тасаввурларнинг ўзлаштирилиши, тизимга солиниши ва хотиради мустахкамланиши.

Кўникма-онгли равишда бажариладиган ишнинг бир хил меҳнат усулларида кўп марта такрорланадиган, автоматлашиб кетган (одат бўлиб қолган) компоненти-таркибий элементидир.

Малака-ўқув инсоннинг ўзидаги билимларига асосланиб, маълум талабларга риоя қилган ҳолда меҳнат жараёнларини бажара олишидир. Ўқувчилар бирор ишни бажариш учун зарур бўлган ва етарли даражада эпчил ҳаракатларни ўз ичига олади. Кўникма ва малака бир бутун ҳамда бўлак нисбат кабидир.

Амалий касбий таълим жараёнининг дидактик принциплари:

1. Таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларнинг бирлиги;
2. Ишлаб чиқариш меҳнати жараёнидаги таълими;
3. Касбий-политехник йўналганлик;
4. Назарий ва амалиётнинг боғлиқлиги;
5. Инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш;
6. Замонавий техника ва технологиялар талабларига мойиллиги;
7. Кўникма ва малакаларни шакллантирадиган изчиллик ва мунтазамчилик;
8. Ўқувчиларнинг онгшилиги ва фаоллиги;
9. Ҳаммабоплиги (тушунарлиги);
10. Таълимнинг кўрсатмалиги;
11. Мустақиллик (мақсад ва воситалар);
12. Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар, шаклланган кўникма ва малакаларнинг мустахкамлиги.

Ишлаб чиқариш таълимининг шакллари қуйидагича:

-дарс (амалий машғулот) ўқув лаборатория хўжалигида, полигонда, устахоналарда ўқитишни ташкил этиш;

-ўқувчилар бригадаси;

-ишчилар бригадасига қўшиб ўқитиш (ўргатиш);

-ўқувчиларни малакали ишчиларга бириктириш;

-ўқувчиларнинг штатли (маош тўланадиган) иш ўринларида ишлаш амалиёт ўтишлари;

-ўқувчиларни ўқув цехларида ва қўшма корхоналарда, махсус ажратилган участкаларда ўқитиш;

-техник ижодкорлик тўғараклари;

-фронтал машғулотлар;

-звеноларда ўқитиш;

-индивидуал (якка-якка) ўқитиш;

-барча ўқитиш шакллариининг аралашмаси.

Меҳнат таълимини олиб боришда қуйидаги методлардан фойдаланилади:

1. Оғзаки методлар: ҳимоя қилиб бериш, ўқув материалларни оғзаки баён қилиб бериш, суҳбат.

2. Кўргазмали методлар: ишлаб чиқаришга экскурсия уюштириш, меҳнат усуллари кўрсатиб бериш.


3. Амалий методлар: машқлар, лаборатория-амалий машғулотлар, техника адабиёти, ўқув-техника ва технологияга оид хужжатлар устида ишлаш, ўқитишда техник воситалардан фойдаланиш, дастурлаштирилган техник воситалардан фойдаланиш, дастурлаштирилган ўқитиш ва назорат ўргатувчи қурилмалардан фойдаланиш.

Таълим жараёнида бирор методни танлаш учун унинг хусусиятларини чуқур ўрганиб чиқиш керак.

**Амалий машғулотда қўйиладиган методлар ва уларга қўлланиладиган талаблар**

| № | Таълим методлари                 | Методларни тавсифи  | Таълим методларига қўйиладиган талаблар  |
|---|----------------------------------|---|--|
| 1 | Ҳикоя                            | Ўқув материални жонли, образли қилиб ҳикоя қилиб беришдир. Ҳикоя максимал назорат ва ўқувчиларнинг галдаги ишларига жипс боғланган бўлиши шарт. Ҳикояни дарс мавзусини қисқача умумлаштириб тамомлаш керак.   | Ҳикоянинг тили саводли, ҳар бир тўғри танланиши ва ойдин, равшан талаффуз этилиши шарт.  |
| 2 | Суҳбат                           | Бунда ўқувчилар устанинг саволига берадиган ёки саволнинг мазмунига мувофиқ сўзга чиқадилар. Суҳбатдан ўрганиладиган материал тўғрисида ўқувчиларга маълум хажмда билим бўлган ҳолларда фойдаланилади. Суҳбат охирида ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштиради.                           | Бунда оғзаки ҳикоя қилиб беришга нисбатан қўйиладиган талаблар бу методдан ўқувчиларда маълум ҳамда билим ва тажриба бўлганда фойдаланилади. Бериладиган саволлар маълум тартибда, ихчам, тушунарли, илгари ўтилган материалга ва суҳбат мавзусига асосланган бўлсин. Суҳбат аниқ мақсадни кўзда тутсин, суҳбатда ҳамма ўқувчилар қатнашсин. |
| 3 | Ўқув материални оғзаки баён этиш | Ҳақиқий материалларни изчиллик билан баён қилиб беришдир. Унда мақсад қоида ва тушунчаларни очиб беришдир. Бунда фактларни таҳлил қилиш ва исботлаш катта ўрин олади. Шу боис уста ўзининг баёнида ўз ёзмаларида, ҳисобларида фойдаланилади, шу тариқа галдаги ишнинг ҳарактери ойдинлаштирилади. | Баённинг тили саводли, ҳар бир иборани тўғри танланиши ва ойдин, равшан талаффуз этилиши шарт. Баён кўрғазмали, образли (тасвирли), равон, исботли бўлсин, нутқ ҳаёжонли, ойдин бўлсин.  |

## Амалий касбий таълим жараёнининг таркибий қисмлари



## Амалий касбий таълим жараёнининг таркибий қисмлари-2



## Амалий касбий таълимни бошқа фанлар билан боғлаш йўллари



Амалий машғулот таълимини ташкил этиш шакллари-устоз ва ўқувчини ўзаро боғлиқ биргаликда фаолиятларини қандай ташкил этилишини кўрсатади. Амалий машғулот таълими қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

1. Гуруҳ (жамоаси) шаклида уч ва ундан ортиқ иштирок этувчилар бўлган ҳолда;
2. Якка тартибда устоз фақат битта ўқувчи билан муносабатга бўлган ҳолда, масалан, трактор, автомобиль ёки баъзи бир қишлоқ хўжалик машиналарини бошқаришга ўргатиш жараёнида.

Амалий машғулот таълими бўйича ташкил этилган машғулотлар қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

-кириш йўриқномаси;

- ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва жорий йўриқнома;
- якуний йўриқнома.

Амалий машғулот таълимида уч босқичли йўриқномаларни берилиши фаолият кўрсатиш назарияси асосига қурилгандир. Ишлаб чиқариш таълими, шунингдек, қуйидаги шаклларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

1. Ўқувчиларни ўқув ишлаб чиқариш бригадалари таркибида ўқитиш.
2. ўқувчиларни юқори малакали педагогик-муҳандислар жамоаси таркибида ўқитиш.
3. Ўқувчини юқори малакали ишчиларга бириктириб ўқитиш.
4. Саёҳатлар жараёнида ўқитиш.
5. Уйга берилган вазифаларни бажариш жараёнида ўқитиш.

Амалий машғулот таълими жараёнида ўқитувчининг ўқувчиларга (кириш, жорий ва якуний) йўл-йўриқ кўрсатиши муҳим ҳисобланади. Кириш йўриқномасининг кетма-кетлиги:

- машғулот мавзуси ва ундан кўзланган мақсадлар билан ўқувчиларни таништириш (хабардор қилиш);
- ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини текшириб кўриш;
- бажарилиши кўзда тутилган ишнинг мақсади, бажариш тартиби ва муҳим ҳусусиятларини тушунтириб бериш;
- чизмалар, схемалар ва кўргазмали материаллар тарқатиш;
- ишлатиладиган материаллар, дастгоҳ ва мосламалар билан таништириш;
- ишлаш ва назорат қилиш усулларини кўрсатиш ва моҳиятини тушунтириш;
- технологик йўриқномаларни тарқатиш;
- иш ўринларини оқилона ташкил этиш йўлларини кўрсатиш ва тушунтириш;
- меҳнат ва ҳаёт хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш;
- берилган йўл-йўриқни ўқувчилар ўзлаштирганликлари даражасини назорат қилиш;

-ўқувчилар вазифасини бажаришдаги иш усуллари бажарилиш тартибини текшириб кўриш;

-ўқувчиларга вазифалар бериш.

Жорий йўл-йўриқлар кўрсатишни самарали ўтказиш учун қўйиладиган талаблар:

-бажариладиган иш моҳиятига ҳар бир ўқувчини тушунганлигига ишонч ҳосил қилиш;

-ўқувчиларни оқилона (тўғри) ишлаш ва дам олиш тартидини текшириб кўриш ва таъминлаш;

-ўқувчиларнинг вазифасига ижодий ёндошганлигига қараб рағбатлантириш;

-ҳар қайси ўқувчи меҳнат хавфсизлиги қоидаларига амал қилаётганлигини мунтазам ва қатъий кузатиш;

-ўқувчиларни мустақил ишлаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз ишини режалаштиришга шарт-шароит яратиш;

-ўқувчиларни назорат қилишни улар ўз ишини тугатгунча тўхтатиб турмаслик, оралиқ назоратларидан кенг кўламда фойдаланиш;

-ўқувчилар иш вақтида унумли фойдаланишларини кузатиш;

-яхши ўзлаштира олмаган ўқувчиларни доимо назоратда тутиб, уларга кўшимча кўрсатма ва ёрдамлар кўрсатиш;

-мунтазам равишда ўқувчиларда юқори даражадаги иш маданиятини тарбиялаш;

-ўқувчиларда кўплаб хатоликларга йўл қўйган ҳолларда жамоа шаклидаги йўл-йўриқ кўрсатишда фойдаланиш.

Якуний йўриқноманинг таркибий мазмуни:

-дарсга яқун ясаш;

-баъзи бир ўқувчилар йўл қўйган хатоларни таҳлил қилиш;

-бажарилган ишлари бўйича баҳосини асослаш ва эшиттириш;

-уйга вазифа бериш ва уни бажариш бўйича кўрсатмалар.

Амалий машғулот дарсида эришиладиган натижалар:

-кўзланган таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларга эришишганлиги;

-ўзлаштирган билим ва иш ҳаракат усулларининг чуқур ва пухта ўзлаштирганлик даражаси.

Дарсни таҳлил қилишнинг тахминий схемаси: дарсни жиҳозлашни даражаси, керакли бўлган жиҳазларни мавжудлик даражаси, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иш ўринларини ҳолати, хонанинг санитария-гигиеник талабларига жавоб бериш ҳолати.

Амалий машғулоти ташкил этиш мазмуни ва методикаси:

-дарс мақсадларини тўғри аниқланганлиги;

-дарс тухзилмаси ва босқичларининг муқобиллиги;

-дарсни турли босқичларига вақти тўғри тақсимланганлиги;

-ўқув материалларини мазмунини муқобил (меъёрига кўра) танланганлиги;

-ўқувчиларни фаоллаштириш усуллари;

-фанлараро алоқадорликни таъминланганлиги;

-тарбиявий вазифаларни ечиш усуллари;

-кўргазмали ва бошқа дидактик материаллар қўлланганлиги;

-ўқув материалларини илмий баён этилиши ва ғоявий йўлланганлиги;

-дарсни турли босқичларида ўқитиш методларини мақбул қўлланганлиги;

-ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш даражаси;

-ўқитувчининг педагогик маҳорати, техникаси, нутқи ва шунга ўхшаш хусусиятлари;

-ўқитувчининг ўз фанини ўқитаётган мавзусини билим даражаси.

Меҳнат таълими бўйича кўникма ва малакаларни баҳолаш мезонлари.

1. Амалий фаолият мақсадини англаб олганлиги;

2. Амалий ишларни мустақил бажарилиши;

3. топшириқ учун ажратилган вақт нормасини бажарилиши.

## II-БОБ. ЗАМОНАВИЙ ДАРС ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ АСОСИ

### 2.1. Меҳнат таълимини ўрта мактабда ўқитиш

Меҳнат таълими ўқувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнларидан иборат бўлиб, якуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларни ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини эгаллашларига, онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифатларни ва тафаккурларини ривожлантиришга қаратилган ўқув фанидир. Ўрта мактабдаги меҳнат таълимини шартли равишда ўқув ва унумли меҳнатга бўлиш мумкин.

Ўқув меҳнати-актив фаолият бўлиб, атрофдаги воқеяликни ва ўзини билишга қаратилган. Мақсад, куч-ғайрат ва эришилган натижалар мавжуд бўлгандагина таълим меҳнатга айланади. Ўқув меҳнати фаол фикрлаш, билимларини мустақил эгаллаш, қайта ишлаш ва ижтимоий тажрибада қўлланиш асосида қурилди. Шу асосда кишининг ўз қарашлари ва эътиқоди шаклланади. Камол топаётган кишилар фақат фан асосларинигина эмас, балки уларнинг амалий, технологик мазмуни ва тадбиқ этилишини ҳам ўзлаштириб оладилар. Шу билан бирга шу жараён амалиётни назарияга сингиб кетиши сифатида эмас, назарий ва амалий мўлжал асосларининг қўшилиб кетиши сингари намоён бўлади.

Унумли меҳнат-болалар ва катталарнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва оламни ўзлаштиришга қаратилган самарали меҳнати, шахснинг ҳозирги вақтдаги, келгусидаги жисмоний ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган моддий, маънавий маданиятини ишлаб чиқаришдир. Ҳақиқий фойда келтирадиган унумли меҳнат тарбиявий меҳнатга айланади, бунда содир бўладиган меҳнат муносабатларида унинг қатнашчиларини шахсий ва ижтимоий манфаатлари онгли ва уйғун равишда қўшилиб кетади. Унумли меҳнат иқтисодий масалалардан ташқари тарбиявий, таълимий маълумот берадиган вазифага ҳам эгадир.

Унумли ўрта таълим мактабларида, касб-ҳунар коллежларида меҳнат таълими фанини ўқитишнинг мақсади-ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш уларда дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш, меҳнат ва касбларни қадрлашга, уларни аҳамиятини тушунишга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёрлаш орқали уларни касбгача тайёргарликни амалга оширишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларни бажариш лозим.

Таълимий вазифа-ўқувчиларни баркамол шахслар бўлиб, шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар, умумий технология, техника ва ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини ўргатиш, касб танлашга йўналтириш ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишга тайёрлашдан иборат.

Тарбиявий вазифа-ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш жараёнида, меҳнат ва касб муносабатларида юқори ахлоқий сифатларни, меҳнатсеварликни, ватанпарварлик ва тадбиркорликни ривожлантириб боришдан иборат.

Ривожлантирувчи вазифа-меҳнат таълими машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, бадиий-эстетик тарбия ва таълим бериш, касб тайёргарликларини амалга ошириш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам беришдан иборат.

Ижодий вазифа-ўқувчиларни касбгача тайёргарлигини ривожлантириш, меҳнат таълимини мазмунини такомиллаштириш орқали баркамол шахс бўлиб етишишларига ёрдам бериш.

Амалий вазифа-буюм, нарса, намуналар асосида зарурий буюртмаларни амалда бажара олиш. Ўқитувчи ўқувчиларга таълим-тарбия берувчи шахсдир. Республикамизда халқ таълими соҳасида қўйилган вазифаларни бажаришда кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига,

тайёргарлигига, фидойилигига, ёш авлод ўқитиш ва тарбиялашга бўлган муносабатига боғлиқ.

Меҳнат таълими ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида, меҳнат усулларини тўғри танлаш, ўқувчи амалда тўғри қўллаганини назорат қилиш керак. Ўқитувчи таъсирчан бўлиши учун ўз фанининг илмий асосларини мукамал билиши, мустаҳкам билиши, мустаҳкам меҳнат кўникмалари ва малакаларини эгаллаган бўлиши лозим. Уларни ўқувчиларга моҳирлик билан етказа олиши зарур. Фақат ўз соҳасида яхши малака ортирган ва ўз ишини устаси бўлган ўқитувчигина ўқувчиларга пухта билим беради ва ўз таъсирини ўтказа олади. Шунинг учун меҳнат таълими ўқитувчиси ўзининг методик-педагогик ва маҳсус тайёргарлигини мунтазам ошириб бормоғи лозим. У фақатгина педагогика фани, техника ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлардан хабардор бўлиб қолмасдан, илғор меҳнатва хунар усулларини ҳам билиши зарур. Ўқитувчи талабчан бўлиши керак, унинг обрўси ўқув машғулотлари жараёнларида ўсиб ва таркиб топиб боради. У ўзининг ўқувчилар олдидаги обрўсига доимо ғамхўрлик қилмоғи лозим. Агар ўқитувчи ўз вазифасига юзаки қараса, унинг сўзлари билан ишлари бир-бирига мувофиқ келмаса, ўқувчилар билан муносабатларда ҳолисона йўл тутмаса, унинг обрўси тезда йўқолади.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўқувчиларда, ҳалоллик, камтарлик, қатъийлик, ўртоқлик, дўстлик масъулиятни сезиш хиссини таркиб топтириши лозим. Ўқувчилар билимининг сифати кўпроқ ўқитувчининг ўқув йилига ва ҳар бир дарсга тайёрланишига боғлиқ бўлади. Ўқув жараёнини режалаштириш ўқувчини дарсга тайёрланишида асосий ўрин тутаети. Ўқув йили режалаштириш орқали ўқитувчи ва ўқувчини устахонадаги касб-хунар таълимининг вазифа ва мақсадларга кўра бажарадиган барча ишларни олдиндан кўриш мумкин. Ўқув йилини режалаштиришда касб-хунар таълими бўйича ўқитиладиган фанларнинг дастури асос қилиб олинади.

Ўқув йилини режалаштиришда ўқитувчи бир қанча дидактик вазибаларни ҳал қилади.

-меҳнат таълими фанининг дастури бўлимларига мос ҳолда ўқув жараёнини моддий жиҳатдан ўз вақтида тайёрлаш имконини беради. Ўқув устахоналарини янги замонавий асбоб-ускуналар ўқув кўргазма манбалари аввалдан маълум бўлади.

-меҳнат таълими фанининг мазмуни бошқа фанлар мазмуни орасидаги боғланиш ёритилади. Ўқитувчи ўқув материални алоҳида дарсга тақсимлаб, бошқа фанлардан олган билимларини аниқлайди, фанлараро дидактик боғланишни таъминлайди.

-ўқув йили давомида ўқувчилар томонидан бажариладиган ишлар (тайёрланадиган буюмлар) хили аниқланади.

-ўқувчилар билан олиб борадиган дарсдан ташқари ишлар аниқланади.

-айрим йиллик якунларни чиқаришда ўқув режани бажарилиши текширилади.

-таълим жараёнини юқори ташкилотлар томонидан назорат қилинади.

Ўқитувчининг ўқув йилига тайёргарлиги қуйидагича олиб борилади: янги ўқув йилига тайёргарлик жорий йилнинг тугаши билан бошланади. Меҳнат таълими ўқитувчиси устахона ва асбоб ускуналар таъмири билан ўзи шуғулланади. Янги ўқув йилини режалаштириш ўқув дастурини ўрганишдан бошланади. Дастурдаги ҳар қайси синф ўқувчиларини ўзлаштириши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар ва бўлимлар мавзулари билан танишиб чиқилади. Ҳар қайси синф учун ўргатиладиган буюмлар танланади, ўқув дастурларига мослиги аниқланади.

Ўқитувчи янги ўқув йилига тайёрланишда ўқувчиларни унумли меҳнатини ташкил қилишни ҳам йўлга қўйиш керак. Бунинг учун янги ўқув йилига қадар бирор корхона, ташкилот ёки фирмалар билан шартнома тузиш лозим.

Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши: навбатдги машғулотга доир материални танлаб тизимлаштиради, машғулот режаси ва кириш

йўриқномаси режасини тузади, ўтган дарсни таҳлил қилиб, хатоларни олдини олиш чораларини белгилайди. Ушбу дарсга доир илғор тажрибани акс эттирувчи педагогик, методик ва техник адабиётни ўрганади.

Илғор иш методлари билан танишиб, усулларни ўрганиш учун энг мақбул меҳнат усулини танлайди. Сўраш ва мустақкамлаш вақтида якуний йўриқномада ўқувчиларга бериладиган саволларни олдиндан тайёрлаб қўяди. Асбоб-ускуналар, мосламалар, жиҳозларни олдиндан тайёрлаб қўяди.

Зарурий кўргазмали қуролларни танлаб намойиш этиш вақтини белгилайди. Дарс режаси қанчалик тўла батафсил ёзилган бўлса, у ўқитувчига шунча кўп ёрдам беради. Ҳар бир дарс режаси куйидагича бўлиши мумкин:

1. Дарснинг мавзуси, мақсади ва вазифаси;
2. Меҳнат объектлари;
3. Дарс жиҳози;
4. Дарснинг бориши.

Дарснинг мақсади ва вазифаси машғулот мавзусига боғлиқ бўлади, яъни машғулот нимага бағишланганлигига қараб белгиланади. Дарсга уч хил мақсад қўйилади.

1. Таълимий мақсад-ўқувчиларга назарий билим берилади;
2. Тарбиявий мақсад-берилаётган билимлар асосида ўқувчилар тарбиялаб борилади.;
3. Ривожлантирувчи-ўқувчиларда ўтилган мавзуси ҳаёт билан солиштириш малакалари шакллантирилади.

Мактаб ўқитувчисининг об'єктининг унинг маънавияти, савияси, билим доираси, дунёқарашининг кенглиги, қолаверса ўз фанини пухта билиши ҳамда ўз устида ишлаши билан белгиланади. Ўқитувчи об'єктини белгиловчи мезонлар сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

-энг аввало ўқитувчи билимдон бўлсин!

Ўз фанини севсин, ўз фанини устаси бўлсин, фанига доир барча янгиликлардан хабардор бўлиб юрсин. Шунда уни ҳеч ким енга олмайди.

-ўқитувчи ижодкор бўлсин!

Ижодкорлик инсонни янгиликга чорлайди, дунёқарашини ўстиради, билимини чархлайди. Ижоднинг чегараси йўқ ҳар бир дарснинг янгиликлар билан бойитилиши бўйича чегара билмайди, ҳар бир дарс янгиликлар билан бойитилган ҳолда юксак ижодийликка эга. Янгиликсиз дарс болани зериктиради, чарчатади. Ижодкорлик инсонга руҳ бағишлайди.

-ўқитувчи ҳалол инсон бўлиб танлсин!

Ҳалол инсон зийнати. Озгина таъмагирлик инсон қалбидаги меҳрни сўндиради. Ўқитувчи шахси мол-дунёдан, пулдан, амалдан устун турадиган инсон шахсидир. Ҳалоллик иймоннинг мезонидир.

-ўқитувчи тадбиркор бўлсин!

Синфдаги, мактабдаги, оиладаги, ижтимоий муносабатлардаги барча муаммоларнинг ечимини ўз вақтида топа билсин. Шунда ҳаётда қийналмайди, бировга муҳтож бўлмайди. Хеч ким уни камсита олмайди.

-ўқитувчи меҳрибон бўлсин!

Ҳаётда шундай дақиқалар бўладики, бир оғиз яхши гап инсонга ҳаётга қайтаради. Ўзгаларга яхшилик қилиш барчанинг ҳам кўлидан келавермайди. Ҳар қандай инсон қийин дақиқаларда меҳрга, тўғри маслаҳатга муҳтож бўлади. Ана шу пайтда устозни ёдлайди. Устоз ўғитларига, маслаҳатига интилади. Устозининг ўғит-насихатлари эса унга мадад, ярасига малҳам бўлади. Муқаддас Ҳадисларда айтилишича дилозорлик энг ёмон иллат. Хеч кимнинг дилини оғритманг. Меҳр берсангиз меҳр қайтади.

-ўқитувчи ширин сўз бўлсин!

Маҳаллада, оилада, ҳамкасблар орасида, ўқувчилар орасида энг ширин сўз шахс сифатида танилсин. Зеро ширин сўз-жон оғизи. Ширин сўз инсон ҳаётда ёлғиз қолмайди. Аччиғи келганда ўзини тута билганлар мўминлардандир, дейилади ҳадисларда.

-ўқитувчи талабчан бўлсин!

Талабчанлик пасайган жойда лоқайдлик авж олади. Лоқайдлик иймоннинг сустлашувига олиб келади. Иймони суст одамдан жамиятга хеч

қандай наф йўқ. Лоқайдликни йўқотиш учун эса талабчанликни кучайтириш керак. Талабчанлик инсонда масъулиятни тарбиялайди.

## **2.2. Замонавий дарс, у қандай ташкил этилади?**

Инсоннинг шахс сифатида камолга етиши унинг ёшлигидан, ўқувчилик давридан шакллана боради. Устоз, муаллим эса қалб меъмори. Шунинг учун ушбу касб эгалари ҳаётни теран хис қилмоқлари, ҳар тарафлама юксак чўққида турмоқлари лозим.

Билим бериш учун авваламбор устоз ўзи билим олишга интилиб, изланиб яшаши шарт. Ана шундагина пок, мурғак қалбларга эзгулик уруғи сочилади. Бу дунёда ҳар бир устознинг шогирди камолини кўришдан ортиқ қувонч бўлмаса керак.

Марказий Осиёда жуда қадим замонлардан бошлаб фарзандларни ўқитиш ва уларга савод бериш одоби бўлган. “Авесто” таълимотига кўра фарзанд улғайгач, ота-онаси, албатта, унинг таълим-тарбия олишига шароит яратиши шарт эди. Отанинг фарзандига савод бериши, унинг учун ҳам қарз, ҳам фарзлиги ҳақидаги тушунча ҳадисларда ҳам бир неча бор эслатиб ўтилган.

Замон талабига мос билим бериш ўқитувчи зиммасига инсон ва унинг жамиятдаги ўрнига ҳар томонлама жавобгарлик билан қараш вазифасини юклайди. Педагогнинг муҳим вазифаси фақат тарбиянинг янги шакллари, воситалари ва усулларини эгаллашгина эмас, балки уларни татбиқ этишнинг алоҳида йўллари излаш ва ҳар бир муайян ҳолатда уларни бирга қўшиб олиб боришдан иборатдир. Бунда ўқитувчининг ўзи замонавий педагогик технологияларни яратишда шахсни тарбиялашда анъанавий самарали усулларини танлашда ижодкор бўлиши катта аҳамиятга эгадир.

Дарс ўтишда ўқитувчига кўп талаблар қўйилади. У авваламбор, ўқувчига шахс сифатида қараши лозим.

Муаллим ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини ўзида мужассам этиши, ўқувчи кўз ўнгида чинакам сабоқ, ҳаёт таълимини берувчи устоз

сифатида намоён бўлиши зарур, деб ўйлайман. Сабаби, ўқитувчи фаол ва самимий, ўқувчи учун ҳақиқий дўст ва устозлик маҳоратига эга бўлсагина, ўқувчи дарсларга ўз хоҳиши билан келади ва устозини алоҳида ҳурмат, эъзоз билан кутади.

Ўқитиш икки баравар ўқиш демакдир. Ўз ишига виждонан ёндашадиган мураббийлар бутун умр бўйи янгиликлар топиб, изланиб яшайдилар. Замонавий дарслар самарали бўлиши ва юқори савияда ташкил этилиши учун ушбу мезонларга жавоб бериши лозим деб ўйлайман:

1. Ўқитувчи бугунги дарсида ўз олдида қўйган мақсадларини амалга ошира олдими?
2. Ўқувчилар дарсдан қониқиш ҳосил қилиб янги билим, малака, кўникмаларни ўзлаштира олдими?
3. Ўқитувчи билан ўқувчи орасида самимий муносабат ўрнатилдими?

Албатта ҳар бир дарсда миллий меросимиз, кадриятларимиз, маданиятимиз хазинаси, бебаҳо санъатимиз, буюк аждодларимиз ўғитлари, хикматга тўла ҳадисларимиз, ривоятлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёнини инсонпарварлаштиришда ўқитишнинг ноанъанавий усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда “Муаммоли вазиятларни ҳосил қилиш”, “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “7x7”, “Зиг-заг”, “Бахс-монозара” каби усуллар таълимни фаоллаштириш, ўқувчининг изланишларини таъминлаш, уларда ижодий тафаккурни ҳосил қилиш, шунингдек, дунёқарашини бойитишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Шогирдлар одоби ҳақида Хусайн Воиз Кошифий “Ким билан дўстлашиш керак?” рисоласида қуйидаги мезонлар ҳақида тўхталиб ўтган:

- аввало ўз ишига яхши муносабатда бўлиши;
- ўз ишига эътиқод қўйиш ва унга ишониш;
- устози олдида ўз ножўя ҳаракатларини тарк этиш;
- кўриш лозим бўлмаган ҳамма нарсалардан нигоҳини олиб қочиш;
- эшитиш мумкин бўлмаган нарсаларга қулоқ солмаслик;

-нолойиқ ишлардан қўл тортиш;

-устозига зид бўлган кишилар билан муомала қилмаслик.

Шу нуқтаи назардан, ўқитувчи ўқувчиларга нафақат билим балки ёш авлоднинг ахлоқий-касбий сифатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир.

### **2.3. Замонавий дарс таълим-тарбия асоси**

Бугунги кун, ўқитувчи олдида ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этишни, ўқувчи шахсига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартиришни ва таълим муассасаларида ўтказилаётган дарс жараёнларини замонавийлаштиришни тақозо этмоқда. Замонавий дарс унда ўқитувчи ўқувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, ўқувчи ақлий потенциални ишга солиб, ривожланишини таъминлайдиган дарсдир. Ҳар бир ўқитилаётган дарс ҳам объект, ҳам субъект сифатида ўқувчига йўналтирилиши лозим. Бу жараённинг ташкилотчиси, олиб боровчиси ва таҳлил этувчиси ўқитувчидир. Ўқитувчи дарс мавзусини илмий назарий ва амалий методик жиҳатдан пйхта билиши, уни ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлай олиши, ўқувчига унинг истак-ҳохиши, эҳтиёжига мос ҳолда содда, равон, тушунарли тилда етказиб бериши лозим. Бу эса, биринчи навбатда, ўқитувчининг дарсга қай даражада тайёрланганлиги билан белгиланади.

Дарсга тайёргарликни нимадан бошлаш керак?

-дарсни мавзусини аниқлаш ва уни шакллантириш;

-ўқув курсида мавзунинг ўрни ва ролини белгилаш.

Иккинчи навбатда ўқитувчи дарс мавзуси мазмунини тўла очиб бериши учун белгиланган дарс босқичларини мукамал, маълум бир кетма-кетлик асосида ташкил этиши зарур. Булар:

-дарснинг ташкилий қисми;

-ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, уйғу берилган вазифани сўраш ва такрорлаш;

-янги мавзу баёни;

-мустаҳкамлаш, умумлаштириш;

-ўқувчиларнинг билимини баҳолаш;

-уйга вазифа бериш.

Ушбу дарс босқичлари муайян бир қолип эмас, ўқитувчи ўтиладиган ўзининг ҳар бир дарсини, мавзуни мураккаблик даражасини, мавжуд шарт-шароит ва ўз маҳоратидан келиб чиққан ҳолда, бу жараёни турли хил тартибда ташкил этиш мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчи дарсдаги 3 муҳим босқич-ташкилий, асосий ва якуний қисмларни эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Шу асосда дарснинг ривожлантирувчи, таълимий ва тарбиявий функциялари изчиллик билан амалга оширилади.

Дарсдаги босқичларда нималарга эътибор қаратиш лозим?

-дарс учун шарт-шароит, зарурий жиҳозларни тайёрлаш, ўқувчилар давоматини аниқлаш;

-ўқитувчи томонидан дарс мавзусига мос машқ (фаоллаштирувчи) ва усулларнинг энг қисқа вақт талаб этувчисини танлаб олиш;

-синфхонасида дўстона муҳит яратиш;

-лозим бўлганда ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлиб фаолият олиб бориш.

Айнан дарснинг ташкилий қисмида маънавий-маърифий, ижтимоий ва сиёсий ахборотларни ўқувчиларга етказилган ҳолда, савол-жавоб жараёнини ташкил эта олиш ҳам дарс сифатини оширишга ёрдам беради

Дарснинг асосий қисмида:

-ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш ва унинг янги мавзу билан боғланишига эътибор қаратиш;

-ўқитишнинг техник воситаларидан (компьютер, кадаскоп, видеопроектор) мақсадли, самарали фойдаланиш ва уларни дарс жараёнида қўллашда қисқа вақт оладиган усулларни танлаб олиш;

-ўқувчиларни турли хил муаммоли вазиятга тушириш орқали уларда мустақил фикрлаш, фаоллаштириш, гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини шакллантириш;

-ўқувчиларга ўз-ўзини баҳолаш имкониятини яратиш;

-янги мавзуни тушунтиришда ўқувчиларни мақсад сари аниқ йўналтириш;

-янги мавзуга оид атамалар билан алоҳида ишлаш.

Мана шу тартиб асосида дарснинг муаммоли, замонавий тарзда ташкил этилиши, илғор педагогик усуллардан самарали фойдаланиш, кўзланган мақсадга эришишда алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир дарс ўқувчини ҳайратлантирсин, узоқ вақт ёдида қолсин. Бунинг учун қизиқарли факт, воқеа, илғор тажриба ва ностандарт ёндашиш, мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Дарснинг якуний қисмида:

-дарс якунида ўқувчига, мен билардим, дарсда билиб олдим, билишни хошлайман ва бошқа турли хил усуллардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Дарс якунида ўтилган мавзу умумлаштирилиши ва албатта хулоса қилиниши лозим;

-ўқувчини ҳақиқий ва тўғри баҳолаш, рағбатлантириш жараёнини ҳам маҳоратли ўқитувчи диққат марказида тутати;

-ўтилган мавзу юзасидан ўқувчиларга уйга вазифа бериш нафақат ўқитувчи балки ўқувчи учун ҳам қизиқарли ва мароқли бўлиши ўтилган дарснинг муваффақиятидир.

Ўқитувчи ҳар бир дарсга тайёрланишда қуйидаги асосий жиҳатларни эътиборга олмоғи зарур:

-ДТС талабларидан ҳамда мавзудан келиб чиққан ҳолда, дарсга таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни тўғри қўйиш ва дарс давомида уларга тўлиқ эришиш;

-дарс мавзуси мазмунини ўқувчига содда, раво ва тушунарли тарзда тушунтириш;

-ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мос метод ва усулларни танлаш олиши;

-дарсда кўргазмали қуроллардан самарали фойдалана олиши;

-дарс мазмунига, миллий ғоя, қадриятлар, аъаналар ва ватанпарварлик хис-туйғуларни сингдира олиши лозим.

Машғулотларни режалаштириш ва уларга тайёргарлик кўриш, замонавий дарс ва уни ташкил этиш. Машғулотларни режалаштириш ва уларга тайёргарлик кўриш бир-бирига чамбарчас боғлангандир. Режалаштириш-тайёргарликнинг бир қисми бўлиб, режалаштириш ҳужжатларида машғулотларга тайёргарлик акс эттади. Машғулотларга тайёргарлик икки босқичда олиб борилади.

Перспектив тайёргарлик-ўқув йилига ва дастурнинг навбатдаги мавзусини ўрганишга тайёргарлик ҳамда жорий-навбатдаги дарсга тайёргарлик.

Дарс режаси-мавзу бўйича аниқ дарс ўтказиш учун асосий ҳужжат ҳисобланади. У ўқитувчи тайёргарлик ишининг натижаси бўлади. Дарс режаларини бир андозадаги мажбурий шакллари белгилаб қўйилмаган, чунки режа шакли унинг мазмуни, ўтказиш методлари, мавзу материалларини ёритиш даражаси каби дарс мазмунига, унинг таълим ва тарбия мақсадларига, келгусидаги ишлар хусусиятига, машқларни ташкил этишга, ўқитувчи маҳоратига қараб ўзгариб туради. Қуйида дарс режасидан намуна келтирамиз:

**Мавзу:** Ўзбек миллий ҳунармандчилиги тарихи. Миллий кийимлардан қийиқча бичиш ва тикиш.

**Таълимий мақсад:** ўқувчиларга миллий уй жиҳозлари ҳақида тушунча бериш; чойшаб, дорпеч, кирпеч, палак, сўзана, гулкўрпа, қийиқча, жойнамоз.

Ишлатиладиган газламалар, материаллар ҳақида тушунча. Ўқувчиларга миллий ҳунармандчилик асосларини тушунтириб бериш. Уларни амалда қўллаш, кўникма ва малкаларни шакллантириш.

**Тарбиявий мақсад:** ўқувчиларга ўзаро ёрдам ва хуммуомалаликни тарбиялаш. Иқтисодий тарбия бериш, тежамкорликка ўргатиш. Чойшаб, палак, кийикча, жойнамоз, турли рамзлардан фойдаланилди, қайчи, андаза ва нухса, игна, ип, ангишвона, бўз, қалам, ҳар хил нақш элементларидан фойдаланиб, фанлараро боғлаб ўтди. Масалан: тсвирий санъат, чизмачилик, биология, кимё, математика, тарих, мусиқа, она тили ва адабиёти фанларини ўзаро боғлиқлиги.

**Касбга йўналтириш:** каштачилик, ва тикувчилик, рассомлик.

**Техника хавфсизлиги қоидалари:** қирқувчи ва санчилувчи асбоблардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиб, ТХҚларга риоя қилиш.

**Дарсинг усуллари:** ақлий хужум, амалий иш, “60-ю 80”, “мен танлаган шакл” методлари муаммоли ўқитиш технологияси.

**Дарсинг босқичлари:** 1. ташкилий қисм-2дақиқа. 2. ақлий хужум-5дақиқа. 3. ўтилган мавзуларни такрорлаш-10 дақиқа. 4. янги мавзу-20 дақиқа. 5. амалий иш-40 дақиқа. 6. янги мавзунини мустақамлаш-5 дақиқа. 7. дарсинг якуни ва уйга вазифа-5дақиқа. 8. иш ўрнини йиғиштириш-3 дақиқа.

**Дарсинг бориши:** 1. Ташкилий қисми: ўқувчилар билан саломлашиш, давоматни аниқлаш, ўқувчилар диққатини жалб қилиш. 2. Ақлий хужум: нима учун махсус кийим кийилади? Махсус кийимнинг қандай турларини биласиз? Рўмол андозаси учун нечта ўлчов керак? Миллий кашталаримиздан қайсиларини биласиз? Қўл ишларини бажаришда ТХҚлари. 3. Ўтилган мавзунини такрорлаш. 4. Янги мавзу: ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида миллий ҳунармандчилик турлари бой ва бар-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Ўзбек диёрида вужудга келиб, гуллаб-яшнаган санъат турлари бемисл ва бетакрорлиги билан дунёвий жамиятга бориб тақалади. Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё халқларининг бизгача етиб келган нашвлар асосида яратилган қадимий санъат асарлари алоҳида ўрин тутди.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз, Тошкент, Қўқон ва бошқа шаҳарлардаги меъморчилик, халқ амалий безак санъати ёдгорликлари

Ўтмиш авлодларимиз яратган такрорланмас ва тарихан бебаҳо санъат асарларининг намуналари бўлиб, халқимиз ва шу билан бирга жаҳон маданиятининг дурдоналаридан бўлган бадиий ва маданий меросини ташкил этади.

Ўзбек миллий ҳунармандчилиги-ганчкорлик, наққошлик, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, кандакорлик, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламчилик, саватчилик.

Миллий каштачилигимиз намуналари кирпеч, сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб, палак, жайнамоз, бужўма, такяпўш, дўппи кабилар ўз аксини топган.

Ўзбек каштачилиги иқлим, табиий шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолда барча касб-ҳунарлар билан биргаликда ривож топган.

Испан элчиси Руи Гонсалез де Клавихо Амир Темур саройида ўзбек миллий кашта безакларини кўрганини кундалигига ёзиб қолдирган. 1497 йили Камолиддин Бехзод “Зафарномага” ишланган “Темур тахтада” миниатюрасида чодирга ишлаган каштани ҳам акс эттирган.

Ўқитувчи:

-бугун биз миллий уй жиҳозларидан, кийимидан бўлган қийиқча бичамиз ва тикамиз.

Қийиқча бизнинг тарихимизга сочиқ, дастрўмол сифатида кириб келган. Иқлим иссиқ бўлганлиги учун терлаган пайтда артиниш учун сочиқ, овқатланганда дастурхон, белга боғланадиган белбоғ, бозорда харид қилинганда сумка вазифасини бажарган. Қийиқчани аёллар чиройли қилиб тикишга, четларига гуллар солиб, шеърлар, байтлар, исмлар ёзиб тикишган. Қийиқча ўзи квадрат, яъни тўрт томони бир-юирига тенг газламадан тикилади. Бичиб олинган қийиқчага гул (нухса) шаблон ёрдамида туширилади, кейин ҳар хил рангли ипларда чиройли безак ва мунчоқлар тикиб чиқилади. Қийиқча учун безак ип, атлас, шойи газламалар танланади. Кашта тикиш учун “Мулина”, “Исрис”, “Ромашка” иплар танланади. Аввал газлама 60х60 см (70х70х, 80..80) қирқиб олинади. Четлари кўклаб чиқилади, кейин нухса кўчириладиган қоғоздан фойдаланиб, нақш элементлари

тушириб олинади. Сўнгра биз тиккан кашта намуналаридан фойдаланиб, ёрма чок, илма чок, сув чок, босма чок, занжир чок, илмоқ чоклар танлаб тикишингиз мумкин.

**Амалий иш (“60ю-80” методи):**

1. Газламалар текислаб дазмолланади.
2. Газламадан квадрат (80x80) кесиб олинади.
3. Қийиқча нусха (гул) туширилади.
4. Қийиқча четлари кўклаб чиқилади.
5. Қийиқча даражасида ТХҚларга риоя қилинади.
6. Ангишвона ишлатилади.
5. Янги мавзуни мустаҳкамлаш:
7. Хунармандчилик қачон келиб чиққан?
8. Қандай миллий хунармандчилигимиз турларини биласиз?
9. Қандай миллий каштамызни биласиз?
10. Қийиқча қандай газламалардан тикилади?
11. Қийиқча тикишда қандай иплар ишлатилади?
12. Қийиқач қандай бичилади?
13. Қийиқчага қандай нусха туширилади?
6. Дарсинг якуни ва уйга топшириқ.

Ўқувчилар баҳоланади. Уйга вазифа: қийиқча четларини тикиб, дазмоллаш.

7. Иш ўрнини йиғиштириш.

Мақсад-вазифаларимизга давр талаблари даражасида таълим-тарбия беришни изчил йўлга қўйишдир. Бунинг учун барча имконият бор. “Излаган имконият топади”, деб бекор айтилмаган. Имконни эса инсон ўз ақл заковати ва меҳнати билан яратади.

## 2.4. Дарс усули

Ўқувчиларни жисмонан соғлом, ақлан етук, ахлоқан пок, бир сўз билан айтганда, баркамол инсон қилиб тарбиялаш бугунги кун талабидир. Шунинг учун таълим соҳасида илмий изланишлар олиб бориш, таҳлил қилиш, таълим самарадорлигини таъминлашда ўқитишнинг турли шакл ва усуллардан фойдаланиш, илғор педагогик технологиялар асосида дарсларни ташкил этиш долзарб муаммолардан бирига айланди.

Маълумки, янги педагогик технологияларнинг замонавий усуллардан бири компьютер ёрдамида ўтиладиган дарс ҳисобланади. Компьютерга ёзилган дарс дастурининг афзаллик томони шундан иборатки, бунда ўқувчи мавзу бўйича мураккаб жараёнларнинг ҳақиқатга яқин динамик модели билан яққол танишади. Ўқитишнинг бошқа усулларида талаба бундай имкониятга эга бўлмайди.

Эндиликда ўқувчиларни дарс жараёнида фаоллаштиришга хизмат қиладиган инновацион технологиялар деб аталувчи ўқитиш методлари амалиётга татбиқ қилина бошланди. Улар жумласига “муаммоли ўқитиш”, “Ўйинли технология”, “Ақлий хужум”, “Индивидуал ўқитиш”, “Тармоқлар” кластер методи, “Бумеранг технологияси”, “Скорабей”, “Тарози”, “Елпиғич” технологиясини ва бошқаларни келтириш мумкин. Дарс ўтиш учун қайси технологияни танлаб олиш ўқув фани ва ундаги мавзунинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Масалан “Муаммоли ўқитиш технологиси” таълим жараёнидаги самарали усуллардан бири саналади. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий, фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади. Мазкур технологиянинг афзаллиги шундаки, у авваломбор ўқувчининг мустақил, ақлий фаолиятини ривожлантиради. Ўқувчиларни муаммога кириш, фикрни сўз билан ифодалаш, яъни фаол мушоҳада юритишга ундайди. Бу ўринда изчиллик эркин юришга ундайди. Бу йўсинда изчиллик

эркин намоён бўлади, аввало муаммоли вазият юзага келади. Сўнг ўқув муаммоси шаклланади.

Шунингдек, ўқувчи унинг ҳам таълимий, ҳам тарбиявий функцияси яхши англаб олган бўлиши талаб қилинади. Ўқитувчи ҳеч қачон ўқувчиларга тайёр ҳақиқатни бериши керак эмас, балки уларга билимни эгаллашга туртки бериши, машғулотларда ва ҳаётий фаолиятларида зарур бўлган ахборот, воқеа ва ҳодисаларни онгида қайта ишлашларига ёрдам бериши лозим бўлади.

Муаммоли ўқитиш билимларни онгли ва мустаҳкам ўзлаштиришда, атроф-муҳит ўзининг фаол муносабатини белгилаб олишда, билиш фаолиятини жонлантиришда катта имкониятларга эга. Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этади. Шундагина ўқувчилар фанларни таҳлил қилиш асосида мустақил равишда интеллектуал машаққатларни ҳал қилиш, хулоса чиқариш ва умумлаштириш, қўлга киритилган билимларни янги вазиятга татбиқ этишга интилади.

Муаммоли вазият яратиш-ўқувчиларда изланиш фаолиятини шакллантиришга қаратилган. Мазкур метод асосида битта муаммони олға суриш ва асослаш ётади. Муаммоли вазият таркибига савол тарзида вазифалар қўйиш, фаразларни олға суриш, назарий асословчи вазифалар, уларни ечиш йўллари киритилади. Муаммо ўқитувчи томонидан шакллантирилиб, баён этилади. Ўқувчилар эса ўйлаб фикр юритиш асосида муаммони ўзлари ечадилар ёки муаммо ўқувчилар томонидан қўйилиб, унга уларнинг ўзлари ечим излайдилар. Бу жараёнда ўқитувчидан ташкилотчилик ва бошқарувчилик қобилияти талаб этилади.

Ўқитиш жараёнини самарали бўлиши учун хилма-хил методларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўқитишнинг сифатини таъминлаш ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ахборотлар бўйича билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида семинарлар ҳам ташкил этиш мумкин. Семинар ўтказишдан датслабки мақсад ахборотни жамоа бўлиб муҳокама қилишдир. Семинарнинг самарадорлиги албатта ўқувчиларнинг унга тайёрланиш

сифатига боғлиқдир. Айниқса, бу жараёнда ахборот тайёрлаётган ўқувчилар билан ишлаш муҳим аҳамиятга эга.

## 2.5. Дарсинг асосий босқичлари

Ўтилганларни такрорлаш ва янги мавзуни бошлашга ҳозирлик-янги мавзу билан боғлиқ ҳолда ўтган дарс мавзуларини такрорлаш; ўқувчиларни янги мавзуни ўтишдан олдинги шу мавзуга оид билим даражаларни аниқлаш, баҳолаш ва янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш; янги дарс мақсадини тушинтириш (дарс мақсади ва ёритилиши лозим бўлган асосий тушунча ва атамалар олдиндан доскага ёки қоғозга катта қилиб ёзиб, осиб қўйилса вақт тежаланади); ўтган дарс мавзуларини такрорлаш ўқитувчи томонидан оғзаки сўров, кичик гуруҳларда иш, уй вазифасини дарсда бирга муҳокама қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, янги дарсни ўтишга ҳозирлик, янги дарс мавзусини характерловчи ўзак саволни ёки муаммони кўйиш орқали амалга оширилади. Шундай ўзак савол ёки муаммо танланиши лозимки, у ҳақиқатан ўқувчилар учун қизиқарли, хайратланарли, ўқувчилар диққатини ўзига тортадиган бўлсин. Ўзак савол ёки муаммо-ўқувчиларда унинг жавобини билишга қизиқишни ортирсин ва дарс давомида шуғулланишга сафарбар этсин, шунингдек, фаолиятини рағбатлантирсин.

Янги мавзуни ёритиш-дарс материалларини кичик бўлақларга бўлиб, кетма-кет маълум узвийликда ва мантикий боғлиқликда, кўргазмали тарзда ва турли ўқитиш услубларидан фойдаланган ҳолда беришдир.

Янги мавзуни мустаҳкамлаш-олинган назарий билимларни ёрқин мисолларда қўллашга ва турли хил топшириқларни бажариш асосида ўқувчиларда янги мавзуга оид амалий кўникмаларни ҳосил қилиш ва баҳолаш; баҳолаш учун бериладиган савол ва топшириқлар айнан дарс мақсадидан келиб чиққан бўлиши, унга эришилган ёки эришилмаганлигини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим. Янги мавзуни мустаҳкамлаш бутун синф иштирокида, турли тарқатма материаллар билан, кичик гуруҳларда ёки

жуфт-жуфт бўлиб ишлаш ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Ўқувчилар амалий машғулотни бажараётган вақт ўқитувчи уларнинг фаолиятини кузатиши, баъзиларининг тушунмаган саволларига жавоб бериши мумкин. Шунингдек, бу босқичда ўқувчиларнинг мустақил ишлашларига ҳам шароит яртиб бериш лозим бўлади.

Дарсга яқун ясаш ва баҳолаш-дарснинг мақсадини яна бир бор эслатиш ва унга қанчалик эришилганлигини ўқувчилар билан биргаликда аниқлаш; мавзу бўйича саволларга жавоб бериш, дарснинг асосий лаҳзаларини қайд қилиш, ўзлаштириш даражасини аниқлаш, дарсда фаол қатнашганларни тилга олиш ва баҳолашдир. (ўқувчилар билимини баҳолашни бутун дарс давомида турли усуллар ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин. Баҳолашдан мақсад, ўқувчиларга фақат қандайдир балларни қўйишдан эмас, балки уларнинг ўзлаштириш даражасини мунтазам назорат қилиб боришдан иборат бўлиб, керак бўлганда дарснинг боришига ўзгартиришлар киритиш, тушуниш қийин бўлган нуқталарга қайта тўхталиш жойиз).

Уйга вазифа-ўқитилган мавзу бўйича билим, малака ва қўникмаларни янада мустаҳкамлашга ёки келгуси дарс учун ҳозирлик кўришга қаратилган, мустақил бажаришга мўлжалланган савол, машқ ва топшириқлар мажмуасидан иборат бўлиши керак.

Умуман олганда, дарс босқичлари хилма-хил кетма-кетликда бўлиши мумкин. Улар ҳар бир ўқитувчининг ижодий ёндашувиغا боғлиқ. Хусусан, анъанавий дарс босқичларини яна қуйидаги тартибда ҳам келтириш мумкин:

#### 1. Кириш:

- ўтилган материални такрорлаш;
- дарс мақсадини тушунтириш;
- дарс мазмуни ва режаси билан таништириш.

#### 2. Янги мавзунини ёритиш:

- янги мавзунини кичик бўлакчаларга бўлиб бериш;
- ранг-баранг мисоллар ёрдамида имкон борича кўرғазмали тақдим

этиш;

- мавзудан четлашмаслик;
- материалнинг мураккаб томонларини қайта тушунтириш;
- ўқувчиларнинг тушунганлик даражасини текшириб бориш;
- тескари алоқани танлаш.

### 3. “Тетапоя” машқ:

-бирор мисол (ёки масалани) ўқувчилар билан кадамба-кадам ҳал қилиш ва таҳлил қилиш.

### 4. Йўналтиб турилувчи машқ:

-ўқувчилар машқ (ёки масалани) мустақил бажаришади, ўқитувчи эса уларни назорат қилиб тузатиш киритиб боради.

### 5. Мустақил бажариладиган машқ:

-ўқувчилар машқни мустақил ҳолда ўқитувчи ёрдамисиз бажаришади.

### 6. Ўқувчиларнинг тушунганлик даражасини текшириш.

### 7. Якунлаш:

-дарс мавзусининг асосий тушунчалари ва ўқув мақсадларини жамлаш.

## **2.6. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИ**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ҳар томонлама етук мутахассис кадрлар тайёрлашнинг моҳияти, зарурияти, замонавий фан ва техниканинг ривожланиш талабларига мос баркамол авлодни тарбиялаш масалалари изчиллик билан таҳлил этилган, долзарб вазифалар ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Шу боис мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш ва уни ҳозирги замон талабларига мослаштириш, замонавий информацион технологияларга асосланган жаҳон андозалари даражасидаги тизимни яратиш умумдават сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланмоқда. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да узлуксиз таълим тизимини татбиқ этиш асосида, жамиятнинг ривожланиши талабларини

ҳисобга олган ҳолда, етук мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларига катта эътибор берилган. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун эса биринчи навбатда ўқув жараёнини тубдан ислоҳ қилиш, унга жаҳоннинг ривожланган давлатларида кенг қўлланилаётган замонавий информацион ва педагогик технологияларни изчиллик билан татбиқ этиш зарур.

Замонавий таълим тизими мураккаб тузилмаган эга бўлиб, унинг таркибига ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан ва ўзаро мураккаб боғланишларга эга бўлган технологик, педагогик, иқтисодий ҳамда назарий-методологик қисмлар киради. Анъанавий таълим тизими замонавий таълим тизимидан технологик қисмини алоҳида ажратиб қаралмаслиги билан фарқ қилади, чунки анъанавий таълим тизими “юзма-юз” ўқитиш услуби ва босма материалларга асосланиб ўқитишга мўлжалланганлиги учун технологик қисми етарли даражада ривожланмаган.

Таълим соҳасидаги айрим мутахассислар орасида ўқув жараёнининг компьютерлар, телекоммуникацион жиҳозлар ва янги техник воситалар билан таъминланганлиги, яъни ўқув аудиторияларини компьютерлар, видеокамералар ва бошқа қурилмалар билан жиҳозлаш, ўқитувчиларни улардан фойдаланишга ўргатиш таълим тизимини замонавийлаштириш учун етарли деган нотўғри хулосага келадилар.

Замонавий таълим тизимининг педагогик асосларини таҳлил қилиш ва таълим жараёнида ўқитувчининг ўрни ва вазифаларини аниқлаш долзарб услубий масалалардан ҳисобланади.

Компютер ва телекоммуникацион технологияларга асосланган замонавий таълим тизимининг асосий педагогик усуллари анъанавий таълим тизимидаги педагогик усуллардан фарқ қилади.

Биринчидан, таълим тизимининг технологик асоси жадал ривожланиб борганлиги учун ўқув курсларини ишлаб чиқиш мураккаблашади ва ўқитувчидан педагогик фаолиятнинг махсус усуллари ва малакаларидан

фойдаланишни талаб этади. Ундан ташқари замонавий инфорнмацион технологиялар ўқув материаллари сифатига ҳам ўзига хос талаблар қўяди.

Иккинчидан, замонавий инфорнмацион технологияларга асосланган ўқув жараёнида асосий фигура ўқувчи ҳисобланганлиги учун, ўқитувчи асосан ўқувчининг берилган мураккаб ўқув ахборотларидан осонлик билан фойдалана олишига ёрдам бериш, талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятига имконият яратиш вазибаларини бажаради.

Учинчидан, замонавий таълим тизимида ўқитувчи ва талабалар орасидаги ўзаро индивидуал муносабат, замонавий ахборот технологиялари имкониятлари таъсири фаоллашади.

Шундай қилиб таълим жараёнида замонавий инфорнмацион ва телекоммуникацион технологияларни фаол қўллаш, ўқув жараёнида ўқитувчининг ўрни, роли ва педагогик фаолиятини маълум даражада ўзгартиришига олиб келади. Ўқитувчилар томонидан ўқув курсларини тайёрлашда фаолият мураккаблашиб, махсус малака ва усулларни ҳамда ўқув материалларини тайёрлаш сифатида эътиборни кучайтиришни талаб этади.

Агар анъанавий таълим тизимида ўқитувчи асосий вақтини маъруза ўқишга сарфлаган бўлса, замонавий таълим тизимида ўқитувчи ўқув курси мазмунини янги технологик асосда ишлаб чиқиш, ўқувчига ўқув ахборотлардан фойдаланишга ёрдам бериши ва таълим олувчи билан фаол индивидуал муносабатга киришмоғи лозим. Лекин қўйилган муаммоларни ҳал қилишда маълум қийинчиликлар ҳосил бўлади. Масалан, ўқув курсини яратишда ўқитувчи ўқув фанини яхши билиши ҳамда замонавий инфорнмацион технологиялар соҳасида ҳам махсус билимларга эга бўлиши зарур.

Ўқув жараёнида ўқувчилар билан ўзаро муносабатда бўлиш ҳам ўқитувчига махсус педагогик ва технологик малакаларни ҳамда замонавий техникавий воситалар билан ишлаш тажрибасига эга бўлишини талаб этади.

Шу сабабли замонавий информацион технологияларга асосланган таълим тизимида ўқитувчи фаолиятида меҳнатни тақсимлаш усулидан фойдаланиш зарурияти туғилади.

Замонавий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишда фаолият қуйидагича тақсимланади:

-ўқув курсларини ишлаб чиқувчи;

-ўқитиш усуллари бўйича маслаҳатчи;

-ўқув курси материалларини ўрганишда ўқувчилар билан шуғулланувчи мутахассис;

-таълим натижаларини назорат қилиш усуллари бўйича мутахассис.

Бу вазифаларнинг маълум қисми битта фан бўйича мутахассис-ўқитувчи томонидан бажарилиши ёки ҳар бир қисми алоҳида мутахассислар томонидан бажарилиши ҳам мумкин. Баъзи мураккаб ҳолларда ҳар хил мутахассисликларга мос ўқитувчилардан ташқари компьютер графикаси, тармоқ технологияси бўйича мутахассислар ҳам жалб этилиши ҳам мумкин.

## ХУЛОСА

Бозор иқтисодиёти шароитида таълим мазмунига қўйиладиган талаблар янада кучайди. Бугунги ўқувчиларнинг аксарияти ўқишга қизиқмай қўйган. Бунинг сабабларидан бири дарс жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги мулоқатнинг умуман йўқлигидир. Ўқитувчи ўзининг кучли ва заиф томонларини ҳар доим англаши керак. Айрим ўқитувчилар ўзларининг заиф томонларини ёпиш учун, ўқувчиларга ортиқча талаблар қўядилар. Ўқувчилар ўқитувчининг бўш томонини тез англайдилар. Шунинг учун улар ҳадиксираб эмас, балки ўқитувчи ҳурматини жойига қўйиб муносабатга киришишга ҳаракат қиладилар.

Бундай муҳитни ва ўқувчилар руҳиятини ўқитувчи баъзан сезмайди. Бизнинг фикримизча ўқитувчи ҳар доим ўз устида ишлаши, билим, кўникма ва малакасини такомиллаштириб бориши зарур. Ўқитувчи педагогик маҳоратини кундан-кунга ўсиб бориши, ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни қўллай олишини кучайиши унинг педагогик фаолиятида амалга ошади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. "Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили" Т. 1995 й. 23 бет.
2. Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажак сари" Т. 1998 й. 68 бет.
3. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" Т. 1997 й. 63 бет.
4. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумтаълим мактабида ўқитиш методлари. Т. 1990й.230бет.
5. Булатов С.С. Ёшларга ҳунар ўргатишни миллий-анъанавий асарлари (методик тавсиянома) Т. 1999 й. 20 бет.
6. Воробев А.И. Мехнат таълими ва касб танлашга йўллаш методикаси. Т. 1980й. 208 бет.
7. Давлатов К. Мехнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. Т. 1992 й.
8. Даклатов К. Мехнат ва касб таълими, тарбиясидан амалий машғулотлар. Т. 1995 й.
9. Скакун В.А. Ишлаб чиқариш таълими устози учун қўлланма. Т. 1992 й.
10. Болтабоев С. Касб таълими методикаси. Т. 2002 й.
11. Толипов У. Касбий педагогикаси. Т. 2001 й. 100 бет.
12. Болтабоев С. Касб танлашга йўллаш. Т. 2000 й.
13. Маъзумов П.Г. Укувчиларни мехнатга ва касб танлашга тайёрлаш. Т. 1991 й. 206 бет.
14. Тхоржевский Д.А. Мехнат таълими методикаси. Т. 1982 й. 80 бет.
15. Мехнат таълимидан умумий ўрта таълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари. "Таълим тараққиёти 1У-махсус сон" 1999 й.
16. Мехнат таълимидан умумий ўрта Т. 1995 й. 23 бет.
17. Мехнат таълимидан АЛ ва КХКлар учун ўқув дастури. Т. 2000 й.

18. Макиенко Н. "Чилангарлик" Т. 2003 й.
19. Толипов Ў. Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимидан давлат таълим стандартини амалиётга жорий этиш. Методик қўлланма. Т. 2000 й.
20. Турсунов А.И. Педагогика курси Т. 1997 й. 232 бет.
21. Шодиев Т. Талабаларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш. Т. 1987 й. 232 бет.
22. Қишлоқ мактабларида умумий таълим фанларини ўрганишда ўқувчиларини касбга йўллаш. Т. 1978 й. 112 бет.
23. Таълим муаммолари Т. 2008 й. 1-4 сонлари.
24. К.Давлатов ва бошқалар, Меҳнат ва касб таълими тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси.Т., 1992.
25. Б.Қурбонов. Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси. Гулистон.,2007.
26. Умумлаштирилган ДТС ва дастури.Тошкент., 2010.июн ОЎМТВ ва ХТВнинг қўшма буйруғи.
27. “Меҳнат таълимидан умумлаштирилган ўқув дастури”., тошкент-2010 й.
28. У.Ахроров. Мавлюда Вакил.”Таом тайёрлаш технологияси”.,тошкент-2004й.
29. В.А Панкратова.”Тикувчиликдан ишлаб чиқариш таълими асослари” тошкент-2007й.
30. Х.Н.Ядгорходжаев.С.С.Яхяев.”Тикувчилик жиҳозлари ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш қарови”., тошкент-2002й.
31. Олимов Қ. ва бошқалар "Касб таълими услубияти" Т. 2006 й. 159 бет.
32. Хаджабоев А., Хусанов И. "Касб таълими методологияси" Т. 2007 й. 191б.

### **ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР**

1. Маърифат газетаси 2007-2011 йй.
2. Халқ таълими журнали 2000-2011 йй.
3. Таълим тараккиёти журнали 2010 -2011 йй.
4. Касб-ҳунар таълими журнали 2000-2011 йй.

5. Узлуксиз таълим журнали 2005-2011 йй.
6. Мактаб ва ҳаёт журнали 2010-2011 йй.

### **ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Bob kizlik. Lesson Planning, Lesson Plan Formats and Lesson Plan Ideas.. [www. ADPRIMA com.](http://www.ADPRIMA.com)
2. Околелов О.П. Дистанционное обучение: сухность, дидактические особенности технологии. <http://www.lipetsk.ru/legi>
3. Мила Новик. Современные технологии в образовании (продолжение) // Новое знание. 1999 №4 с 39-42 [www. dvgu.ru](http://www.dvgu.ru)  
[FumuF didjest Fnew knowF yar 99F mainkn 99.htm.](http://www.didjest.ru/newknow/year99/mainkn99.htm)